# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 31 январь, № 20 (8363) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ХОТИРАСИ ЁД ОЛИНДИ

**30 январь, Тошкент шаҳри. Анъанадагидек, Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига кенг жамоатчилик йиғилди.**





Президент Шавкат Мирзиёев бу ерга ташриф буюриб, Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси ва ҳукумат вакиллари, илм-фан ва маданият намояндалари, зиёлилар ҳам Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат кўрсатди.

Эл фидойиларини унутмаслик, яхши ишларини эслаш ва қадрлаш миллатнинг миллатлигини кўрсатадиган жиҳат. Бу кейинги авлодлар учун ҳам ибрат, ҳам фазилатдир.

Маросимда ана шундай эҳтиром намоён бўлди. Қуръон оятлари ўқилиб, дуо қилинди. Биринчи Президентимизнинг мамлакатимиз манфаати йўлидаги тарихий ишлари, олийжаноб хислатлари ёдга олинди.

Давлатимиз раҳбари мажмуада Ислом Каримов музейини ташкил этиш ишларининг бориши билан танишди.

Ислом Каримовнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Акс садо

Қирғизистонлик экспертлар:

## ШУ ПАЙТГАЧА ҲАЛ ЭТИЛМАГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 26-27 январь кунлари Қирғизистонга амалга оширган давлат ташрифи якунлари ушбу мамлакат эксперт-таҳлилий ҳамжамияти вакиллари томонидан юқори баҳоланмоқда.*

*Қирғизистонлик экспертлар фикрича, ушбу ташриф тарихий аҳамиятга эга бўлиб, узоқ йиллардан буён ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар бўйича келишувга эришилгани билан ёдда қолди.*

**Алмазбек АКМАТАЛИЕВ, Қирғизистон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори:**

— Президент Шавкат Мирзиёев топшириғига кўра Жиззах вилоятидаги, асосан, қирғизлар истиқомат қиладиган Манас қишлоғи ободонлаштирилгани Ўзбекистоннинг мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсати, очиқлиги ва эътиборини яна бир бор намоён этди. Президент Садир Жапаровнинг 2021 йилда Ўзбекистонга ташрифи ҳам икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўламини кенгайтириш нуқтаи назаридан самарали бўлган эди.

Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга давлат ташрифи стратегик шериклик, қардошлик руҳидаги дўстлик учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга ҳам жиддий туртки бўлади. Турли соҳаларда — энергетикадан тортиб таълимгача бўлган жабҳаларни қамраб олган қатор муҳим ҳужжатлар имзолангани томонларнинг аниқ-равшан амалий ишларни рўёбга чиқаришга бўлган азму қароридан далолатдир.

➔ 2

## КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

*Ўтган ҳафтанинг энг муҳим мавзуси Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга амалга оширган давлат ташрифи бўлди, десак, янглишмаган бўламиз. Ташриф якуни бўйича Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Садир Жапаров икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан янги — кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқувчи Декларацияга имзо чекканлари тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди.*

Ўзбек ва қирғиз халқлари ҳамиша ёнма-ён, елкадош бўлиб яшаган, бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган. Аммо очиқ айтиш керакки, муносабатларимизда синовли кунлар ҳам бўлди. Оқибатда чегаралар ёпилгани, икки қондош, жондош миллат, икки мамлакат ўзаро келишмовчилик гирдобида қолгани ҳам олис тарих эмас. Ҳатто чеганинг қарама-қаршисида яшайдиган, бир хатласа, иккинчи томонга ўта олиши мумкин бўлган одамлар ўртасига тўсиқ қўйилди.

Яқин пайтларгача ҳам Марказий Осиёда мамлакатлар ва халқлар орасига совуқчилик тушганди, гарчи улар МДҲ ва ШҲТ каби тузилмаларнинг аъзолари бўлса-да. Вақтлар бўлдики, қон-қардош, қудаанда халқлар орасига “девор” қўйилди. Ўзаро борди-келди ушалмас орзуга айланди. 2016 йил сентябрь ойидан эътиборан Ўзбекистон ташқи сиёсатида янгилик юз берди. Қоғоздаги ўзаро дўстлик ҳақидаги “афсона”лар ҳаётга кўчди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон, аввало, асосий эътиборни қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратишини эълон қилди. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ, давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли бугун дунё ҳамжамияти Марказий Осиё минтақасида рўй бераётган тарихий жараёнларга гувоҳ бўляпти: чегаралар очилди, сим тўсиқлар ўрнини “дўстлик дарвозалари” эгаллади.

Мухтасар айтганда, аҳил қўшничилик, маданий дипломатия сиёсати бугунги кунда Марказий Осиё минтақасининг “ташриф қоғози”га айланмоқда. Қўшни давлатлар чегараларини дўстлик чегараларига айлантиришга муваффақ бўлмоқдамиз. Шундан буён кунига 10 мингдан 20 минггача ўзбек ва қирғизлар яқинлари билан дийдорлашиш, зиёрат қилиш ёки бизнес мақсадида чегарадан ўтяпти.

➔ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## АМАЛДАГИ ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШТИРИШ ЛОЗИМ

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишларида Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.*

*Хўш, ҳужжатлар юзасидан депутатлар қандай фикрда? Муҳокамалар давомида қандай таклифлар илгари сурилди ва айни чоғда эътирозлар нималардан иборат бўлди?*

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари дастлаб “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари юқори даромад олишига кенг шароит яратиш ҳамда маҳсулот етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш амалиётини қонунчиликда белгилаш зарурияти мавжуд. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юқоридаги муаммолар бартараф этилишига замин яратади.

➔ 3

Учрашув

## «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР МЕҲНАТИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА»

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида АҚШ Меҳнат вазирлиги Одам савдоси, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маргарет Юнгк бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.*

Мулоқот давомида делегация аъзоларига Ўзбекистонда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳамда уларнинг натижалари, мазкур жараёнларда мамлакат касаба уюшмаларининг иштироки тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Жумладан, ўтган йилги пахта йиғим-терими мавсуми давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Савдо-саноат палатаси ҳамда Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакилларини жалб қилган ҳолда теримчилар учун шарт-шароит яратиш, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) методологияси асосида миллий мониторинг ўтказилгани қайд этилди.

➔ 2

## ОДИЛ СУДЛОВ

### фуқаролар конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясига хизмат қилади

*Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозимлигини қайд этди. Ушбу ташаббус замирида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича амалдаги тизим самарасини ошириш мақсади мужассам.*

**Муносабат**

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида мамлакатимизда мазкур йўналишда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Албатта, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш ҳуқуқининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

2021 йил 27 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги янги Конституциявий қонун қабул қилингани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди, десак, муболаға эмас. Ушбу қонунда Конституциявий суднинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли оширилди, фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида уларнинг Конституциявий суд муҳокамасига бевосита масала киритиш ҳуқуқи қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциявий суднинг ўтган йилдаги иш фаолияти якунларига кўра, айтиш мумкинки, асосий эътибор қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини ўрганиш ҳамда таҳлилдан ўтказиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда иш режасида белгиланган ташкилий-маърифий тадбирларни бажаришга қаратилди. Чунончи, ҳисобот даврида Конституциявий суд томонидан жами 979 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мамлакатимиз Бош қомусига мослиги ўрганиб чиқилди.

Конституциявий судга ўтган йили жами 1 минг 376 та мурожаат келиб тушган бўлса, улар Конституциявий суд судьялари томонидан ўрганиб чиқилиб, муаллифларга асослантирилган тушунтиришлар берилди. Шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини бевосита қабул қилиш мақсадида “Фуқароларнинг онлайн қабули” портали ишга туширилгани айни муддао бўлди.

Ўтган йили аҳолидан келиб тушган 12 та мурожаат Конституциявий суд мажлисида кўриб чиқилган. Суд жараёнида тегишли қонун нормалари Конституцияга мувофиқ, деб топилган бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим муаммолар ва камчиликлар аниқланди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган Конституциявий суднинг қарорида тегишли давлат органларига қонунни қўллаш ҳамда суд амалиётида йўл қўйилган айрим камчиликларга эътибор қаратиб, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

➔ 2

Сенатор ва ҳаёт

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАЛАБ ВА ИСТАКЛАРИ ЭШИТИЛДИ

*Сир эмас, кейинги йилларда Олий Мажлис Сенати фаолияти тубдан янгиланди. Буни биргина фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг янгича тизими йўлга қўйилгани ва бу кутилган самараларни бераётгани мисолида ҳам кузатиш мумкин.*

Хусусан, парламент юқори палатаси қўмиталари, шу жумладан, сенаторларнинг фуқаролар қабулларини ташкил этиб, уларда кўтарилаётган масалаларга ечим топиш чоралари кўрилаётгани ва муҳими, бу мунтазамлик касб этиб бораётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Ана шундай қабуллардан бири куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон Умаров томонидан ўтказилди.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” Қонун нормалари асосида ташкил этилган қабул жараёнларида 30 дан зиёд фуқароларнинг муаммо, талаб ва истаклари эшитилди.

Аниқ айтадиган бўлсак, қабул жараёнида фуқаролар моддий таъминот ва уй-жой билан таъминланиш, бандлик ва ишга тикланиш, мансабдор шахслар ҳаракатсизлиги ва одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаат қилди.

Пировардида 5 нафар фуқарога муаммолар ечими юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилди, 25 нафарининг мурожаатлари рўйхатга олиниб, тегишли тартибда расмийлаштирилди.

Якунда мурожаатларни тўлиқ ўрганиб чиқиш ҳамда натижаси бўйича қонуний қарор қабул қилиш юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳудудлардаги масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

1 Сиёсат ва бизнес соҳаларида борди-келди кўпайди. Савдо-сотиқ ҳажми 7 баробар ўсди. Халқ дипломатияси кучайди. Ҳар икки халқ вакиллари давлатларимиз раҳбарлари иродаси билан қон-қардошлик алоқалари тиклангани, тўй-тўноққа, маърака-азага бориш изига тушганлигини энтикиш билан ёдга олишаётир. Икки мамлакатнинг турли шаҳарлари бўйлаб транспорт қатновлари йўлга қўйилгани нур устига аъло нур бўлди.

Очиқ айтиш керакки, Ўзбекистонда ҳам, Қирғизистонда ҳам ечимини кутаётган муаммолар ҳали етарлича. Уларни ҳам ҳал қилиш лозим. Чунки дунёда сиёсий ўйинлар шу қадар авж олганки, зарба қачон, қай шаклда ва қайси томондан келишини билмайсиз. Сиёсий жараёнларда нафақат бугун, балки эрта ва индин юзага келиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш жуда муҳим.

Давлатлар ўртасида низо кўп ҳолларда чегара билан боғлиқ ноаниқликлар сабаб юзага келади. Бевосита ўзбек — қирғиз муносабатларида давлат чегаралари билан боғлиқ ана шундай ноаниқликлар 30 йилдан буён давом этиб келаётганди.

Давлатимиз раҳбари Бишкекка ташрифи чоғидаги музокараларда айни масалага узил-кесил нуқта қўяди. Ўзбекистон — Қирғизистон Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисида баённоманинг имзоланиши фикримизнинг исботи бўлди. Чегара муаммосининг икки давлат иштирокида, учинчи давлатлар аралашувисиз ҳал этилишини тарихий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Ўзбекистон ва Қирғизистон мустақиллигининг 31 йили давомида тарихда биринчи бор бундай даражадаги муносабатларга эришилди.

Ўзбек — қирғиз чегаралари делимитацияси масаласи ўз ечимини топди. Бу ҳар икки давлатнинг келажак авлод олдидаги бурчи эди. Бундай қадам, аввало, чегара ҳудудларда яшовчи аҳолининг борди-келдисини осонлаштиради. Буни Қирғизистон Президенти Садир Жапаров ҳам эътироф этди.

— Мен ҳурматли Шавкат Миромоновичнинг ўзбек — қирғиз чегарасининг делимитацияси борасидаги муҳим келишувга эришишдаги бебаҳо ролини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу чинакамига тарихий воқеадир, — деди у.

Халқаро ҳамжамият ҳам Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида эришилган бу шартномани минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги катта ютуқ эканини эътироф этмоқда. Бугун дунё тан олаётган келишувга эришиш ўз-ўзидан бўлмади. Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, ўзаро ишонч ва самимий муносабати ўзбек — қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарининг тобора мустаҳкамланишига асос бўлмоқда. Чегара муаммолари ҳал этилиши нафақат аҳоли ўртасида борди-келдини осонлаштиради, айни чоғда ишбилармон ва тадбиркорлар учун ҳам шароитлар яхшиланишига олиб келади. Эътиборлиси, энди мамлакат фуқаролари Қирғизистонга хорижга чиқиш паспорти билан эмас, балки оддий ID карталар билан бориб қайтиши мумкин.

Айтиш лозимки, тадбиркорларга озгина имконият берилса, бас, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқади. Яратилган шароитлар сабаб ўтган йилнинг ўзида икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,3 миллиард АҚШ долларига етди. Энди бу кўрсаткични 2 миллиард долларга етказиш марраси белгиланди. Президент Шавкат Мирзиёев бунинг учун икки мамлакат ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтириш муҳимлигини таъкидлаб, бу жараёнда ҳокимлар тадбиркорларга ҳар томонлама амалий кўмак бериши кераклигини билдирди.

Транспорт йўналишида Европа мамлакатларини Марказий Осиё орқали Хитой ва Жанубий Осиё минтақаси билан боғлайдиган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг дастлабки йўналиши бўйича келишувга эришилди. Демак, транспорт транзит соҳасида ҳали кўп қулайликлар яратилиши кутиляпти. Хитойни Қирғизистон орқали Ўзбекистон билан боғлаш янги муқобил транспорт йўлагининг пайдо бўлишига олиб келади. Юртимиз учун стратегик аҳамият касб этадиган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш 1997 йилдаёқ таклиф қилинган. Бироқ турли ички, ташқи омиллар боис ишлар ҳалигача якунига етказилгани йўқ. Ваҳоланки, бу транспорт коридори барча томонларга мислсиз фойда келтиради.

Биргина мисол. Хитойнинг Қашқар транспорт-логистика марказида турган юк Қозоғистон орқали Ўзбекистонга келиши учун камида ўн кун йўл юриши керак. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли орқали эса юкни бор-йўғи икки кунда манзилига етказиб бериш мумкин бўлади. Фарқини кўряпсизми?!

Ҳозирда томонлар Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича қўшма лойиҳани ҳаётга жорий қилиш учун фаол ишлар олиб бормоқда. Кейинчалик ушбу темир йўлнинг Кавказ инфратузилмаси (Зангезур коридори) билан боғланиши Туркия ва Европа билан ягона транспорт тармоғини яратади ҳамда Хитой ва Европа ўртасидаги савдо географиясини кенгайтиради. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Туркия ҳамда Жанубий Европадан юкларни Хитойга Ўзбекистон орқали жўнатиш қандай маршрут танланишидан қатъи назар, масофани ўртача 500 — 600 километрга қисқартириш имконини беради.

Айтиш жоизки, бу йилги қиш Ўзбекистонда ҳам, Қирғизистонда ҳам совуқ келди. Бундай дамда энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш лозимлиги янада ойдинлашди. Томонлар бу йўналишда ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Хусусан, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон "Қамбарота ГЭС-1"ни биргаликда қуришга келишиб олган. Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга ташрифи арафасида икки давлат ўртасида Жалолобод вилоятида "Қамбарота ГЭС-1" қурилиши бўйича инвестиция шартномаси тузилди. Лойиҳанинг асосий уч томонлама битими июль ойида имзоланиши режалаштирилган. Бу лойиҳанинг амалга ошиши минтақа халқларини электр энергияси билан таъминлаш, сувдан биргаликда оқилона фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради. Мазкур ГЭС нафақат Қирғиз Республикасини, балки Марказий Осиё мамлакатларининг электр ва сув таъминотида муҳим ўрин тутади. Лойиҳа доирасида 5,4 млрд. куб метрга тенг сув омбори ҳамда 1860 МВт қувватли гидроэлектр станцияси ишга туширилади. Натижада йилига ўртача 5,6 млрд. кВт/соат электр энергия ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Эслатиб ўтамиз, 2022 йил сентябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ саммити доирасида Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари томонидан "Қамбарота ГЭС-1" қурилишини тез фурсатда бошлаш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Томонлар икки давлат корхона ҳамда сармоядорлари иштирокида энергетика ва кон тармоқларида, шу жумладан, кўмир саноатида йирик инфратузилмавий лойиҳалар амалга оширилишидан манфаатдор. Бу борадаги ишларни тизимли асосда ташкил этиш учун Ўзбекистон — Қирғизистон тараққиёт фонди кенгайтирилади, Стратегик савдо-иқтисодий шериклик бўйича 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган комплекс дастур ҳамда Саноатнинг устувор йўналишларини ривожлантириш тўғрисида битим қабул қилинди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доирасида томонлар мамлакатларимиз эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини биргаликда етиштириш ва етказиб беришга келишиб олдилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурида давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро ва ҳудудлараро ҳужжатлар алмашилди. Жами 25 та ҳужжат имзоланди. Қирғиз Республикасида автомобиль ва тижорат техникасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим, Стратегик савдо-иқтисодий шериклик тўғрисида 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган дастур, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Фуқароларнинг ўзаро бориб-келишлари тўғрисидаги битимга Баённома, Чегараолди вилоятлар раҳбарлари кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги меморандумга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Баённома ана шулар жумласидандир.

Вазирлик ва идоралар ўртасида қишлоқ хўжалиги, энергетика, божхона, саноатнинг устувор йўналишларини ривожлантириш, инновациялар ва илмий тадқиқотлар, ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида битимлар ҳамда Дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш режаси имзоланди. Шунингдек, Жиззах ва Иссиққўл, Андижон ва Ўш, Фарғона ҳамда Боткен, Наманган ва Жалолобод вилоятлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган комплекс дастурлар имзоланди.



Давлатимиз раҳбари маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Тарихи ва дини, тили ва маданияти муштарак халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган қатор аниқ ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, жаҳонга машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг 95 йиллигини кенг нишонлаш таклифи ана шулардан бири. Адибнинг "Мен учун ўзбеклар ва қирғизлар бир халқ. Бу — менинг халқим", деган сўзлари икки қондош ҳамда жондош халқнинг тинч, аҳил ва дўст бўлиб яшаши йўлида жон куйдириб, ибратли фаолият олиб борганининг яққол далилидир...

Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ тузум томонидан уюштирилган "ўзбек иши", "пахта иши" каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг адолат ва ҳақиқат куйчиси сифатида ўзбек халқининг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганини эл-юрт ҳамиша миннатдорлик билан эслайди. Бетакрор ижодкор давлатимизнинг "Дўстлик" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради.

Айтматов "Қайта қуриш ошкоралик — омонлик дарахти" мақоласида ўзбекларнинг кимлиги ҳақида тарихнинг ўз баҳоси борлигини айтди: "Ўзбек халқининг мамлакат учун қилган меҳнатини бирма-бир санайверсак, буларнинг бари бошимизни қуйи эгиб, таъзим этишга сазовордир. Қадим-қадимдан ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византия Қадим Русга кўрсатган таъсир билан қиёслаш мумкин. Советгача бўлган даврларда ва совет даврида ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимизу юзимиз бўлиб келди. Йўқ, ўзбек халқининг бокира юзига ҳеч нарса доғ туширолмайди!" ("Правда", 1988 йил, 13 февраль)

Президент Шавкат Мирзиёев "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айни пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди", дейиши ҳам бежиз эмасди.

Ўзбек халқи Айтматовни нафақат буюк ёзувчи, балки улкан шахс, ўзбек — қирғиз адабий алоқаларини, халқларимиз ўртасидаги бирадарлик ришталарини ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшган халқ дипломати сифатида ҳам билади. Ёзувчи олам ва одам ҳақида ўз оғриқларини, изтиробларини, ўй-кечинмаларини, катта ҳарфларда ёзиладиган, янги даврда тобора камайиб бораётган Инсон ва инсоний фазилатлар ҳақидаги орзу-армонларини асарлари орқали баён этиб берди. Уларни ўқиган ҳар бир ўқувчи ҳаёт, инсон, олам, тириклик ҳақида олам-олам сабоқ, хулоса ва фикрлар олади. Бу сабоқлар уни маънавий комиллик йўлига ундашига, бу йўлда ўқувчига мадад беришига, маёқ ва сабоқ вазифасини ўташига шубҳа йўқ.

Хуллас, Чингиз Айтматов асарларида васф этилганидек, минтақадаги барча мамлакатларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммолари ечими фақат дўстлик, ҳамжиҳатлик ва халқаро муаммоларга оқилона ва адолатли ёндашувга боғлиқ. Президент Шавкат Мирзиёевнинг бир ибораси бор: "Ҳамма қўшнилар билан биз дўст бўламиз. Бошқа ниятимиз ҳам йўқ. Албатта, кўп-кўп муаммолар бор, лекин одамзод шунинг учун, раҳбарият шунинг учун борки, бу муаммоларни ақл билан, ирода билан, вазминлик билан ечиш керак... Ҳар бир давлатнинг ўзини нияти, ўзини халқи, ўзини истаклари бор. Шунинг учун биз дўстлик нуқтаи назаридан, самимийлик нуқтаи назаридан, биродарлик нуқтаи назаридан қўшниларимиз билан фақат дўст, дўст ва яна бир марта дўст бўламиз".

Қирғиз заминида имзоланган шартномалар Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари ривожида янги саҳифа очганлиги билан тарихий аҳамиятга эга. Бу — икки давлат халқлари 30 йилдан зиёд вақт интиқиб кутган қарорлардир. Учрашувлар жараёнида икки томонлама муносабатларнинг деярли барча муаммоли масалалари ҳал қилинди ва бу Президентлар томонидан намоён этилган сиёсий ирода натижасидир.

Ушбу ташриф қардош халқларимиз муносабатларида янги давр, янги замонни бошлаб берди. Бундай фикрларни нафақат расмий доира вакиллари, балки оддий қирғизистонликлар ҳам билдирмоқдалар. Ижтимоий тармоқларда қирғизистонликлар "Икки давлат Президентлари доимо соғ бўлишсин, халқларимиз ўртасидаги дўстлик абадий бўлсин!", "Ўзбекистон Президентининг ташрифи йилнинг энг яхши янгилигидир", "Ўзбекистон бизнинг стратегик шеригимиз ва Қирғизистон ҳукумати бу ҳамкорликни давом эттириш учун барча шароитларни яратиши керак!" деган фикрларни баён этди.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу давлат ташрифи, биз, парламент аъзолари олдига ҳам аниқ ва ниҳоятда масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Икки давлат халқларининг манфаатларини акс эттирувчи кенг қамровли келишувлар, қўшма лойиҳалар ва тадбирлар халқ ноибларининг ушбу савобли ҳамда истиқболли ишларда ва яратувчанлик жараёнида фаол қатнашишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**

Қирғизистонлик экспертлар:

# ШУ ПАЙТГАЧА ҲАЛ ЭТИЛМАГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

1 Самарали ҳамкорликда битимлар, имзоланган ҳужжатлар ва шартномалар билан бир қаторда ҳал қилувчи, аниқ, мақсадли ҳаракатлар ҳам муҳим ўрин тутади. Президентларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги энг муҳим масала — давлат чегараси юзасидан келишувга эришилди. "Қамбарота ГЭС-1"ни биргаликда қуриш лойиҳаси бўйича ҳамфикрлик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, бугунги кунда Қирғизистон ва Ўзбекистон узоқ йиллардан буён ҳал этилмай келинаётган барча энг долзарб масалалар бўйича ўзаро тушунишга муваффақ бўлди. Ишончим комилки, томонлар эришилган барча келишувларни амалий жиҳатдан рўёбга чиқаришга зудлик билан киришади. Буни ҳар икки давлат раҳбарларининг қатъий ва дўстона муносабатлари ҳам тасдиқламоқда.



**Шерадил БАКТИГУЛОВ,**
**қирғизистонлик сиёсатшунос:**



— Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан буён бу унинг Қирғизистонга иккинчи давлат ташрифи ҳисобланади. 2021 йили эса Президент Садир Жапаров Тошкентга ташриф буюрган эди.

Ўзбекистон етакчисининг давлат ташрифи чоғида кўплаб муҳим ҳужжатлар имзолангани, муҳим келишувларга эришилгани қўшма лойиҳалар ва стратегик шериклик истиқболига қанчалик жиддий эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Алоқа ҳамда ишончни мустаҳкамлаш энг муҳим жиҳат бўлиб, Садир Жапаров ва Шавкат Мирзиёев яхши қўшничилик шунчаки сўз эмаслигини исботлашлари асносида қўшма иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун улкан имкониятлар очилди.

Расмий Бишкек ва Тошкент ўртасидаги мулоқот юқори даражада ривожланмоқда. Имзоланган келишувлар ва тузилган битимлар тўпламига кўра Ўзбекистон етакчисининг Қирғизистонга давлат ташрифини, муболағасиз, тарихий деб аташ мумкин.

**«Дунё» АА.**
Бишкек

# МУАММОЛАРГА ОҚИЛОНА ЕЧИМ



*Президентимизнинг қўшни давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Қирғизистон билан ҳамкорлигида янги давр бошланди.*

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 26-27 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлгани бу борадаги ишларни янги поғонага олиб чиқди, десак, асло муболаға эмас.

Мазкур ташриф эришилган келишувлар, имзоланган битимлар, чегара масалаларининг тўлиқ ҳал этилгани ва бошқа жиҳатлари билан тарихий воқеа бўлди. Икки қардош давлат ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлида якдил ва ҳамжиҳат эканлигини кўрсатди.

Азалдан қон-қариндош бўлган ўзбек — қирғиз халқлари ўртасида яна чинакам дўстона муносабатлар қарор топди. Бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро учрашувлари ва мулоқотлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яна бир жиҳат шуки, ташриф давомида эришилган келишувлар, айниқса, чегараолди вилоятларда яшовчи аҳоли учун жуда қувонарли бўлди. Андижоннинг Қирғизистон билан чегарадош Қўрғонтепа тумани фуқароси сифатида айтмоқчиманки, бугун ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг энг катта муаммосига одилона ечим топилди.

Хусусан, чегара билан боғлиқ узоқ йиллардан буён оғриқли ва ҳал бўлмаётган зиддиятли масала икки халқ манфаатлари асосида, юракдаги оғриқлар тўлиқ ҳисобга олинган ҳолда халқаро ҳуқуқ талаблари доирасида ҳал бўлди.

Азалдан бир-бири билан қариндош-уруғ, қуда-анда бўлиб, бир ариқдан сув ичган, тўй-маъракаларида елкадош бўлган халқлар ўртасидаги дўстона муносабатлар яна қайтадан тикланди. Бугун ўзбекларнинг Қирғизистонга, қирғизларнинг эса Ўзбекистонга ўтиши билан боғлиқ тўсиқлар олиб ташланди.

Жумладан, Фуқароларнинг ўзаро бориб-келишлари тўғрисидаги битим Баённомасига кўра эндиликда икки халқ вакиллари бир давлатдан иккинчи давлатга ID карта орқали киришлари мумкин бўлади. Фуқароларнинг чегарадан кириш-чиқиш ҳақидаги маълумотлари эса электрон тарзда қайд этилади.

Умуман олганда, энди паспортга муҳр босишга ҳожат қолмайди. Мазкур енгиллик исталган транспорт орқали ўтишда амал қилинади. Шу жиҳатдан ҳам ушбу ташриф тарихий воқелик бўлди, десак, кўпчиликнинг фикрини билдирган бўламиз.

**Турсуной МУРОДОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР МЕҲНАТИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА»

1 Бундан ташқари, делегация вакилларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан муносиб меҳнат тамойилларини амалга татбиқ қилиш, муносиб бандликни ҳамда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш йўналишларида амалга оширилаётган тизимли ишлар тўғрисида ҳам ахборотлар тақдим этилди.

Мазкур йўналишлардаги ишлардан кенг жамоатчиликни ҳамда халқаро ҳамжамиятни хабардор қилиб бориш мақсадида Федерациянинг www.kasaba.uz веб-порталида "Касаба уюшмаси ёрдам берди" ва "Профсоюз помог" рукнлари очилиб, улар орқали қонуний ҳуқуқлари ҳимояланиб, ўз ишига тикланаётган, иш берувчидан етказилган зарар пуллари ундириб берилаётган ходимлар тўғрисида таҳлилий материаллар бериб борилаётгани қайд этилди.

Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан аҳолига ижтимоий меҳнат соҳасида бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, халқаро меҳнат стандартлари, жумладан, ХМТ конвенцияларини татбиқ этиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар тўғрисида ҳам таништирилди.

Ўз навбатида, АҚШ Меҳнат вазирлиги делегацияси вакиллари мавзу бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга тегишлича жавоб олишди.

— АҚШ Меҳнат вазирлиги ҳар йили 131 та давлатдаги мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати даражасини аниқлаб, таҳлиллар асосида ҳисоботлар тайёрлайди, — деди АҚШ Меҳнат вазирлигининг Одам савдоси, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маргарет Юнгк. — Мазкур ҳисоботларимизда давлатларга рейтинглар берилади.

Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, охирги ҳисоботимизда Ўзбекистон юқори рейтингга эга бўлди ҳамда 9 та юқори рейтингли давлат қаторига кирди. Мамлакатнинг бундай ижобий натижани қўлга киритишида, албатта, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳам ҳиссаси бор. Делегациямизнинг юртингизга ташрифидан кўзланган мақсад ҳам таҳлиллар асосида навбатдаги ҳисоботни шакллантиришдир. Тақдим қилинган маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасидаги ишларни изчил давом эттирмоқда.

Мазкур делегация аъзоси Сара Соломон яна бир муҳим жиҳат — Ўзбекистон қонунчилигида мажбурий меҳнат учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганини, шунингдек, бугунги ислоҳотлар туфайли касаба уюшмалари дунё стандартларига мос ваколатларга эга эканлигини алоҳида эътироф қилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.**



# ОДИЛ СУДЛОВ

## фуқаролар конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясига хизмат қилади

1 Шунингдек, Конституциявий суд вакиллари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда суд фаолиятига оид ахборотларни кенг оммага етказиш мақсадида мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб борди.

Албатта, эришилган ютуқлар кўп, аммо келгусида қилиниши керак бўлган чора-тадбирларимиз ҳам кам эмас. Шу боис Мурожаатномада белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинди. Бунда Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш, суднинг очиқлиги ҳамда Конституциянинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш кўзда тутилмоқда. Конституциявий қонун мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини давом эттириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш амалиётини таҳлил этиш ҳамда хорижий тажриба асосида мурожаатлар билан ишлаш янада такомиллаштирилади.

Шунингдек, ахборот воситалари билан ҳамкорликда Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибларини аҳолига тушунтириш билан бирга Адвокатлар палатаси кўмагида "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган семинар ҳамда давра суҳбатларини ташкил этиш режалаштирилган.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фаолиятини такомиллаштириш мамлакатимизда конституциявий одил судловнинг самарадорлигини ошириш, Конституция ва қонун устуворлиги принципини таъминлашга ва пировардида Тараққиёт стратегиясининг устувор мақсадларидан бири — одил судловга эришиш фуқаролар конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясига хизмат қилади.

**Асқар ҒАФУРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари.**

# «ЯШИЛ» ЭНЕРГЕТИКА — ДАВР ТАҚОЗОСИ

*Сўнгги вақтлардаги глобал пандемия оқибатларига қарамасдан мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришнинг драйвери бўлмиш энергетика соҳасига стратегик йўналиш сифатида эътибор қаратилди. Қисқа муддатларда янги энергия қувватлари барпо этилди, мавжудлари реконструкция қилиниб, умумий ўрнатилган қувват салкам 16 ГВтга етказилди.*

**Фикр**

Бу борада бутун дунё ҳамжамияти амалиётидаги "яшил" энергетикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2021 йилда Нурота туманида фойдаланишга топширилган умумий қуввати 100 мВтга тенг қуёш фотоэлектр станцияси йилига 260 миллион киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқармоқда. Натижада 80 мингдан ортиқ хонадонлар электр энергияси билан таъминланяпти. Шунингдек, йилига 78 миллион куб метр табиий газ тежаляпти. Бу эса республикадаги мавжуд барча аҳоли



хонадонларини бир кун давомида табиий газ билан таъминлаш имконини беради.

2026 йилга бориб Ўзбекистонда умумий қуввати 8 минг мегаваттга тенг бўлган қуёш ҳамда шамол электр станциялари, 868 мегаватт қувватга эга гидроэлектр станциялари ишга туширилади. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, унинг иқтисодиётини юксалтиришда қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кенг имкониятлар яратади.

Шунингдек, табиий газни иқтисод қилиш мақсадларида буғ-газ электр станциялари барпо этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилиняпти. Бундан ташқари, 3,5 миллиондан зиёд аҳоли хонадонларига табиий газ ҳисоблагичлари ўрнатиб берилди. Табиий газдан фойдаланиш борасида жамоатчилик назорати тизимли равишда олиб борилмоқда.

Бироқ шу кунларда ижтимоий тармоқларда Энергетика вазирлиги ва "Газпром" компанияси ўртасида табиий газ соҳасида ҳамкорлик бўйича бўлиб ўтган музокара ва унинг натижаларини турли хил талқин қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Музокаралар юзасидан батафсил расмий маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Тасдиқланган "Йўл харитаси"да ҳам Ўзбекистон Республикасининг мавжуд газ транспорт тизимига эгалик ва бошқарув ҳуқуқи тўлиқ сақланган ҳолда ички бозорга табиий газни зарур миқдорда етказиб бериш мақсад қилингани, бунда газ транспорти тизими кимгадир берилиши ёки суверенитетимизга қандайдир таҳдид умуман йўқлиги алоҳида таъкидланган.

Хулоса ўрнида айтганда, вужудга келган ҳолат мамлакатда энергетика соҳасини мавжуд имкониятдан фойдаланган ҳолда янада шиддатли ривожлантириш, бу борада бошланган кенг кўламли ислоҳотларни тизимли равишда давом эттиришни тақозо қилмоқда.

**Нодиржон АБДУВАЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# АМАЛДАГИ ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШТИРИШ ЛОЗИМ



1 Шунингдек, фермер хўжаликларини йўлга қўйиш, уларга ер майдонларини ажратиш, аниқ ва бир хилда қўллаш имконияти юзага келади. Энг муҳими, фермер хўжаликларига юклатилган мажбуриятлар камайтирилиб, оптималлаштирилади.

Фракция аъзолари мамлакатимизда фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш борасида самарали ишлар йўлга қўйилганлигини айтиб, қонун лойиҳасининг бугунги кундаги аҳамияти ва заруратини эътиборга олган ҳолда уни маъқулладилар.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорларнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Сўнгги йилларда тадбиркорлар ишига аралашганлик, ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Аммо тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварағидаги маблағини қонунга хилоф равишда ўтказиш, олиб қўйиш ёки ортиқча ундирилган пул маблағларини ўз вақтида қайтармаслик ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Яъни тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини уларнинг розилигисиз қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд ортиқча ундирилган пул маблағларини ўз вақтида қайтармаслик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

Депутатлар мазкур ўзгаришлар тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий чораларини янада кучайтиришга, мулк ҳуқуқи дахлсизлиги таъминланишига хизмат қилишини таъкидлаб, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда ҳам маъқулладилар.

Худди шу қонун лойиҳаси **Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси** йиғилишида ҳам чуқур муҳокама қилиниб, уларнинг жамият ҳаёти ва халқимиз учун нечоғли зарурлигига эътибор қаратилди.

Депутатлар ҳужжат лойиҳаси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига хизмат қилишини инобатга олиб, муҳокамалар давомида лойиҳа бўйича бир қатор таклифлар беришди.

— Кичик ва ўрта бизнес — барқарор ривожланишнинг кафолати, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Дилшод Ҳамзаев. — Партиямиз ҳам барқарор иқтисодий ўсиш ва халқимиз даромадини изчил оширишнинг муҳим омили сифатида кичик бизнесни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур, деб билади. Шу боис йиғилишда ушбу қонун лойиҳаси фракциямизнинг диққат марказида бўлди ва савол-жавоблардан сўнг уни қўллаб-қувватладик.

Фракция аъзоларининг айтишича, қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий чораларини кучайтиришга ҳамда уларнинг мулк ҳуқуқи дахлсизлигининг ҳуқуқий ҳимояси самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокамадан ўтказилди.

Қайд этилганидек, транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, яъни йўлларда турли қоидабузарликлар юз бериши, инсонлар ўлими билан боғлиқ мудҳиш ҳолатларнинг олдини олиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Таклиф қилинаётган қонун лойиҳасида ҳам бу борада янги нормалар акс этмоқда. Фракция аъзолари экстремал иқлим шароитлари, табиий офатлар, авариялар, ёнғинлар ёки техноген хусусиятли бошқа фавқулодда вазиятлар рўй берганда инсонларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғи ҳимояланиши юзасидан ўз таклифларини бериб, қонун лойиҳасини маъқуллашди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** аъзолари “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини обдан таҳлил этишди.

Ҳужжат лойиҳаси билан фермер хўжаликлари томонидан давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари белгиланган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш мажбурияти чиқариб ташланмоқда. Шунингдек, фермер хўжаликларига сув етказиб бериш, сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳамда уни тежашга доир талаблар белгиланяпти.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида қонунчилигимизда фермер хўжаликларига юклатилган мажбуриятлар камайтирилишини, улар фаолиятига давлат аралашуви кескин қисқариши ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш фаолиятидан иқтисодий манфаатдорлиги ошишини ҳисобга олиб, ҳужжат лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлашди.

*Фракциялар йиғилишларида кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.*

## Сўз — фракция аъзоларига

**Ботирбек ТЎРАЗОДА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:**



— Фракциямиз йиғилишида кўриб чиқилган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасида кўплаб янгиликлар ўз ифодасини топмоқда.

Хусусан, 6-модданинг иккинчи қисмида фермер хўжалиги ташкил этиш учун унинг бошлиғи ўрнатилган тартибда ер участкаси олиши кераклиги белгиланган. Ушбу модданинг иккинчи қисми “унинг бошлиғи” деган сўзлардан кейин “ушбу Қонуннинг 11-моддасида” деган сўзлар билан тўлдирилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, 24-модданинг биринчи қисмидаги “шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун реализация қилиш” деган сўзлар чиқариб ташланяпти. Муҳокамалар давомида бир қатор асосли саволлар ўртага ташланди.

Умуман, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг манфаатдорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобига қўшимча иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

**Жамшид ҚОСИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси:**

— Ноқонуний пул маблағлари ечиш ҳолатларини содир этган мансабдорларнинг жавобгарлик масаласи қонунчиликда очиқ қолгани сабабли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорларнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ҳар бир қонун ҳужжати халқнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинган ҳолда ижтимоий ҳаётдаги у ёки бу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, такомиллаштириш мақсадида қабул қилинади.

Шу жиҳатдан, мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида хорижий тажриба ҳам чуқур ўрганилди. Масалан, Германия тажрибасига кўра, солиқлар, йиғимлар йиғишда ортиқча ундириш ҳолатлари содир этилганда 3 ойдан 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.



Йиғилишда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тайёрлаш чоғида масъул қўмита ҳамда ишчи гуруҳ аъзолари томонидан салмоқли ишлар қилинганини эътиборга олиб, ҳужжат лойиҳасини қўллаб-қувватладик.

**Шерзод РАҲМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси аъзоси:**



— “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамаси қизғин кечди. Сабаби, йўл ҳаракатига оид амалдаги қонуннинг қабул қилинганига қарийб тўққиз йил бўлди ва бу қонун нормалари бугунги шиддат билан ўзгараётган замон талабларига, амалга оширилаётган ислоҳотларга тўла мос келмай қолди.

Мазкур қонун лойиҳасида йўл ҳаракатини ташкил этишга қўйиладиган умумий талаблар, ушбу йўналишда самарадорликни таъминлаш тадбирлари ҳамда асосий кўрсаткичларига, техник воситаларига аниқлик киритиляпти.

Хусусан, лойиҳада йўл ҳаракати соҳасидаги асосий принципларга ҳам ўзгартишлар киритилаётган бўлиб, эндиликда йўлларда хавфсизликни таъминлашда экологик хавфсизлик ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг устуворлиги, маҳаллий аҳоли ва йўл ҳаракати иштирокчилари фикрининг инобатга олиниши кўзда тутиляпти.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА

**Республикамиздаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!**

# ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



## 2022/2023 ўқув йилида институтни тамомлаётган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларини иш ўринларига тақсимлаш жараёни бошланганини маълум қилади.

2022/2023 ўқув йилида институтни тамомлаётган битирувчиларга турли корхона ва ташкилотлардан 2000 га яқин буюртмалар келиб тушган.

Шу билан бирга, битирувчиларни ишга тақсимлашда республикамизнинг барча ҳудудини қамраб олиш, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёжи бор корхоналарнинг талабларини қондириш ва битирувчиларга тақсимот жараёнида иш жойини танлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида ўқув муассасаси томонидан буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда. Битирувчи кадрларга эҳтиёжи мавжуд хўжалик субъектлари раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан 2023 йил 15 апрелгача институт ректоратига мурожаат қилишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реквизитлари (почта манзили, телефон рақами) ҳамда таклиф этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилиши талаб қилинади.

Бундан ташқари, мутахассисларга эҳтиёжи бор барча корхона, ташкилот, шунингдек, туманлардаги ҳокимликлар, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази масъул ходимлари битирувчилар билан бевосита суҳбат ўтказиш, ишга танлаб олиш ҳамда шартномалар расмийлаштириш учун институтнинг Маркетинг ва талабалар амалиёти бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Битирувчилар тўғрисидаги батафсил маълумот билан институт веб-сайти (tfi.uz)даги “Талабалар” бўлимида танишиш мумкин.

Йўналишлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз:

### 2022/2023 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| № | Бакалавр йўналишларининг номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича: Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Қашқадарё вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сирдарё вилояти | Сурхондарё вилояти | Тошкент вилояти | Фарғона вилояти | Хоразм вилояти | Тошкент шаҳри |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Молия | 351 | 7 | 18 | 18 | 15 | 36 | 21 | 16 | 29 | 3 | 13 | 29 | 31 | 13 | 102 |
| 2 | Банк иши | 127 | 2 | 7 | 9 | 12 | 4 | 4 | 9 | 6 | 5 | 3 | 17 | 10 | 4 | 35 |
| 3 | Банк ҳисоби ва аудит | 27 | 1 | | 2 | 2 | 2 | | | 2 | 1 | | 3 | 2 | 1 | 11 |
| 4 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | 135 | | 7 | 5 | 6 | 12 | 4 | 2 | 11 | 1 | 3 | 15 | 4 | 11 | 54 |
| 5 | Солиқлар ва солиққа тортиш | 29 | 1 | 2 | 5 | 1 | 4 | 2 | 2 | 1 | | | | 5 | 3 | 3 |
| 6 | Суғурта иши | 37 | | 2 | 2 | 1 | 1 | 2 | | | | 1 | 4 | 1 | | 23 |
| 7 | Иқтисодиёт | 83 | 2 | 6 | 5 | 4 | 5 | 3 | 1 | 10 | 7 | 2 | 9 | 8 | 4 | 17 |
| 8 | Иқтисодий хавфсизлик | 33 | | 2 | 3 | 2 | 1 | | 1 | 1 | 2 | | 3 | 7 | | 11 |
| 9 | Менежмент | 70 | 2 | 6 | 3 | 10 | 4 | | 4 | 4 | 1 | | 1 | 8 | 3 | 24 |
| 10 | Молиявий технологиялар | 32 | 2 | 2 | 2 | | 2 | 3 | 1 | 1 | | 1 | 6 | | | 12 |
| 11 | Корпоратив молия | 25 | | | 2 | 1 | 3 | | | 2 | 1 | 2 | 4 | 2 | 1 | 7 |
| 12 | Баҳолаш иши | 28 | | 4 | | 1 | 4 | 2 | | | | 2 | 2 | 2 | 2 | 9 |
| 13 | Бюджет ҳисоби ва назорати | 29 | 1 | | 3 | 2 | 3 | | | 2 | | | 2 | 2 | 1 | 13 |
| 14 | Пенсия иши | 29 | 2 | 1 | 4 | 5 | 7 | | 2 | 2 | 1 | | 1 | | 1 | 3 |
| 15 | Электрон тижорат | 22 | | | 4 | | 3 | | 1 | 1 | 1 | | 5 | 3 | | 4 |
| 16 | Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш | 26 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 1 | | | 1 | | 3 | 3 | 9 |
| 17 | Халқаро валюта-кредит муносабатлари | 33 | 2 | | 1 | 1 | 4 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 4 | 2 | 3 | 10 |
| 18 | Давлат бюджетининг ғазна ижроси | 24 | 1 | | 3 | 4 | 3 | 1 | 1 | | | | | 3 | 1 | 7 |
| | Жами: | 1140 | 24 | 58 | 72 | 69 | 100 | 45 | 42 | 74 | 24 | 29 | 105 | 93 | 51 | 354 |

### 2022/2023 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| № | Магистратура мутахассисликларининг номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича: Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Қашқадарё вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сирдарё вилояти | Сурхондарё вилояти | Тошкент вилояти | Фарғона вилояти | Хоразм вилояти | Тошкент шаҳри |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Аудит | 10 | | | 1 | | | | 1 | 3 | | | | | 2 | 3 |
| 2 | Банк иши ва аудити | 42 | 1 | 2 | 3 | | 5 | 2 | 1 | 1 | | | 6 | 3 | 1 | 17 |
| 3 | Баҳолаш иши ва риэлторлик | 5 | | | | | | | | | | | 2 | | | 3 |
| 4 | Бухгалтерия ҳисоби | 37 | | 2 | 1 | 2 | 3 | 1 | 3 | 5 | | 2 | 1 | | | 17 |
| 5 | Бюджет ҳисоби ва назорати | 9 | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 1 | | 3 |
| 6 | Давлат молияси ва халқаро молия | 39 | | 1 | 1 | 1 | 7 | 1 | 1 | 1 | | 3 | 6 | | | 17 |
| 7 | Иқтисодиёт | 25 | | 1 | 2 | 1 | 1 | 2 | | 1 | 1 | 3 | 2 | 1 | | 10 |
| 8 | Инвестицияларни бошқариш | 33 | | 1 | | 1 | | 1 | 3 | 2 | 3 | 1 | 5 | 1 | | 15 |
| 9 | Капитал бозори ва биржа иши | 6 | | | | | 3 | | | | | | | | 1 | 2 |
| 10 | Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори | 14 | | | 1 | 1 | 3 | | | | | 1 | 1 | | | 7 |
| 11 | Солиқлар ва солиққа тортиш | 9 | | | | | 1 | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 1 | | 3 |
| 12 | Эконометрика | 4 | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | 2 |
| | Жами: | 233 | 1 | 7 | 9 | 6 | 24 | 9 | 11 | 15 | 5 | 11 | 25 | 7 | 4 | 99 |

**Маълумот учун телефонлар: 71-234-41-39, 97-410-78-64 (Ў. Дўсбоев).**
**Тошкент молия институтининг Маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими.**
**Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси 60-«А» уй, e-mail: devonxona@tfi.uz, tmidevon@exat.uz**



# Етук тиббий кадрлар тайёрлаш — БОШ МАҚСАДИМИЗ

*Ҳар қандай давлат тараққиёти таълим тизими ривожи билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, янги Ўзбекистонни барпо қилишга қаратилган ислоҳотлар жараёнида, аввало, таълим соҳасини замонавий андозалар асосида тараққий эттиришга, ёшлар камолотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, дунёдаги бугунги ривожланган мамлакатлар тажрибасига назар солсак, тарихнинг мураккаб даврларида ҳам энг катта сармоя таълимга йўналтирилганига гувоҳ бўламиз.*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки давриданоқ ёшлар сиёсатига — ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайиши, орзу-умидлари рўёбга чиқиши, ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, жамиятда ўз ўринларини топишига катта аҳамият бермоқда.*

## Таълим



Умуман, кейинги йилларда таълим тизимидаги ислоҳотлар жадал тус олди. Бу борада ўнлаб фармонлар, қарорлар қабул қилинди. Концепция ва дастурлар ҳаётга татбиқ этилди. Мактабгача, халқ ва ўрта махсус таълим тизимини юксалтириш билан бирга олий таълимни сифат босқичига кўтариш доимий диққат марказидаги масалага айланган. Шу мақсадда янги-янги университетлар, институтлар очилмоқда. Хорижнинг етакчи олий ўқув юртлари филиаллари ташкил этиляпти ёки қўшма дастурлар негизида малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Пировардида аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси мутасил ошиб бормоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасининг муҳим йўналишларидан бири ҳам таълим сиёсати бўлди. Унда мактабгача таълим, ўрта ва олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг устувор масалалари белгилаб берилди. 2023 йилга "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб ном берилгани ҳам, аввало, таълим соҳасида бошланган улкан ислоҳотлар изчил давом эттирилишидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тизимни изчил тараққий эттиришда муҳим дастуриламалга айланди. Ушбу ҳужжат мамлакатимиз олий таълим равнақининг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилади ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлмоқда.

Концепция асосида юртимизда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ислоҳотлар жараёнида Тошкент давлат стоматология институти жамоаси ҳам қатор вазифаларни белгилаб олган. Жумладан, ушбу даргоҳда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этишга алоҳида эътибор билан ёндашямиз.

Бугунги кунда институтнинг 5 та факультети, магистратура ва ординатура мутахассисликларида 5058 нафар талаба таҳсил олмоқда. Ўқув жараёни республика таълим йўналишлари ва икки дипломлик дастурлар орқали амалга оширилади. Талабаларнинг 500 нафари АҚШ, Жанубий Корея, МДҲ давлатлари фуқароларидир.

Ўқув жараёни тўла кредит-модуль тизимига ўтказилган. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, таълимнинг илғор стандартлари жорий этиляпти. Жумладан, назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан талабаларда амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган меъёрларга ўтишга урғу берилаётир. Таниқли адабиёт, маданият намояндалари, зиёлилар, кенг жамоатчилик кўмагида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини изчил оширяпмиз.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг академик ва молиявий мустақиллигини таъминлаш борасида яратилган шароитлар институтимиз моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, илмий тадқиқот фаолиятига маблағларни кенг жалб этиш имкониятини бермоқда.

Эътиборлиси, олиб борилаётган ишлар ўз натижасини кўрсатмоқда. Хусусан, институт олий таълим муассасалари миллий рейтингида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда олийгоҳ Бутунжаҳон тиббиёт федерацияси (WFME) халқаро аккредитациясига ва таълим сифатини таъминлаш соҳасида ISO 9001:2015 халқаро сертификатига эга. Шу билан бир қаторда, Буюк Британиядаги "Times Higher Education" агентлигининг ўтган йилги халқаро рейтингида "Репортёр" мақомига эга бўлди.

Талабаларга 400 дан зиёд ўқитувчилар дарс бериб, улардан 60 нафари Европа, Жанубий Корея ва Осиёдаги етакчи университетларнинг профессорларидир. Жорий йилги маҳаллий рейтинг натижаларига кўра, институт илмий салоҳияти 70,1 фоизни ташкил этди, бу республикада энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Кейинги икки йилда олий таълим даргоҳи педагоглари томонидан 126 та дарслик, 362 та монография ва 434 та ўқув қўлланма чоп этилди. Жаҳон талаблари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш мақсадида институтда симуляцион марказ, 20 дан ортиқ ўқув ва амалий лабораториялар, "Biopac Student Lab" ва "CAD/CAM" ўқув лабораториялари, 30 дан ортиқ касбий тўгараклар очилди.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган иқтидорли ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Ўз навбатида, институтимиз иқтидорли талабалари ўз истеъдоди, билим ва салоҳияти, фаол фуқаролик позициясини намоён этиб келаётир. Хусусан, 6 нафар талабамиз Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиантидир. Иқтидорли талабалар учун таъсис этилган Туркиянинг "Nobel" компанияси стипендиясига 20 нафар талаба сазовор бўлди. Бундан ташқари, халқаро олимпиада ва танловларда 221 ва республика миқёсида 300 дан ортиқ талабаларимиз фахрли ўринларни қўлга киритган.

Ёш ниҳол қанча тез қаровга олинса, шунча тез ўсиб, мева берганидек, йигит-қизларга ҳам мактаб, лицей парталариданоқ меҳр-эътибор билан тўғри йўл-йўриқ берилса, ҳаётда ўз ўрнини осон топади. Шуни ҳисобга олиб, академик лицейимизда ўқув жараёнлари замон талабларига мос ташкил этилмоқда. Натижада лицей битирувчиларининг олийгоҳларга кириш кўрсаткичи жорий ўқув йилида 86 фоизга етиб, бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ёш мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида бир қатор йирик хорижий ташкилотлар билан грант тадқиқотлари уюштирилди. Жумладан, "Smile Train International children's charity" (АҚШ) — юз-жағнинг туғма патологиялари, "Фонд BORROW" (Буюк Британия) — болаларда оғиз бўшлиғи касалликларининг тарқалиши ва оғирлигини аниқлаш, "Инха илмий маркази" (Жанубий Корея) — авиация саноатида касалликларни ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш дастурлари татбиқ қилинди.

Талабаларни илмий ишланмалар билан дунё миқёсида таништириш, уларнинг илмий тадқиқот олиб боришга қизиқишини кучайтириш мақсадида институтимиз Халқаро стоматологлар федерацияси, Халқаро тиббиётчи талабалар ассоциацияси федерацияси, АҚШ ринологлари жамияти, Россия жарроҳлари жамияти, Япония жарроҳлари уюшмаси каби халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда.

Илмий ишланмалар натижалари қатор ихтисослаштирилган илмий ва амалий журналларда, хусусан, Финляндия Амалий фанлар университети билан биргаликда ташкил этилган "Medicine and Innovation", шунингдек, "MedUnion" ёш тадқиқотчилар, магистрлар ва резидентларни қўллаб-қувватловчи илмий-амалий журнали, "Stomatologiya" Марказий Осиё илмий-амалий журналида нашр этилмоқда.

Олийгоҳда илмий тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш ишлари муттасил кенгайиб бормоқда. Охирги икки йил давомида 39 нафар фан доктори (DSc) ва 78 нафар фалсафа доктори (PhD) тайёрланди. 100 дан ортиқ халқаро конгресс ва илмий конференциялар ўтказилди.

Институтимиз 32 давлатнинг 120 дан ортиқ етакчи ташкилотлари, хусусан, университетлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Таълим жараёнига 276 нафар хорижий профессор-ўқитувчи жалб этилган. Хорижий олийгоҳларнинг 744 нафар талабаси институтда академик алмашинув дастурларида қатнашди.

Умуман айтганда, Тошкент давлат стоматология институти барқарор, жадал ривожланаётган, замонавий чақириқларга тез ва мослашувчан жавоб беришга қодир, барча манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр олий таълим муассасаси ўлароқ юқори даражадаги рақобатбардош кадрларни тайёрлашда муайян тажриба тўплади.



Албатта, эришилаётган ютуқлар ўзимизники. Ҳали олдинда қилинадиган ишлар жуда кўп. Илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, таълим, илмий ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада кучайтириш асосий мақсадларимиздан ҳисобланади.

Буюк юнон олими Аристотелнинг "Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади", деган пурмаъно ҳикмати бор. Унинг моҳиятига назар ташласак, милоддан 350 йил аввал айтилган ушбу нақл бугун ҳам долзарблигини йўқотмаганини англаймиз.

Янги авлодни, илм-фан ва ўз ихтисослиги асосларини пухта эгаллаган, билимли ёшларни тарбиялар эканмиз, стоматология хизматини давлат талаблари ва халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган замонавий тенденциялар асосида ташкил этишда институтимиз битирувчилари ҳам қатнашаётганидан, меҳнатларимиз бесамар кетмаётганидан қувонамиз.

**Нодир ҲАЙДАРОВ,**
**Тошкент давлат стоматология институти ректори.**

# БИР ПАЙТНИНГ ЎЗИДА ҲАМ ЎҚИШ, ҲАМ ИШЛАШ ИМКОНИЯТИ

*Дунё тажрибасида дуал таълим тизими яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу ёшларга бир пайтнинг ўзида ҳам ўқиш, ҳам ишлаш имконини беради. Ушбу тажриба ёшларга назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш, ўқиш даврининг ўзида доимий иш ўрнига эга бўлиш, таълим жараёнини ишлаб чиқаришга ўзаро уйғунлаштириш каби самарали жиҳатлари билан аҳамиятлидир.*

## Назария ва амалиёт уйғунлиги

Айни кунларда мамлакатимизда ҳам бу борада изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилиб, малакали, рақобатбардош олий ва ўрта бўғин мутахассислари тайёрлашда қувонарли натижаларга эришиляпти.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 март кунги "Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Германия, Япония давлатлари тажрибасини ўрганиб келдик, — дейди Фарғона вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тўйчибой Бойматов. — Шу тариқа вилоятдаги 76 та профессионал таълим муассасаси — касб-ҳунар мактаблари, коллеж ва техникумларда ўқиётган 50 минг йигит-қизнинг 25 минг нафари дуал таълим тизими асосида енгил саноат, қурилиш корхоналари, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, тиббиёт ва таълим муассасаларига бириктирилди. Бунинг учун 300 дан ортиқ йирик иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди.



Айни пайтда Тошлоқ туманидаги 1-сон касб-ҳунар мактабининг пайвандлаш йўналишида таълим олаётган ўқувчилар шартнома асосида "Фарғона иссиқлик таъмир" МЧЖда меҳнат қилмоқда. Ўзаро келишувга кўра корхона раҳбарияти томонидан назарий ўқув хоналари ташкил этилиб, ўқувчилар дуал таълим шаклида шу ернинг ўзида уч кун назарий ҳамда уч кун амалий иш жараёнида қатнашиши учун барча шароит яратилди. Шунингдек, иссиқ овқат, иш ҳақи, ўқишни битиргандан сўнг кафолатли иш ўрни ва айнан шу йўналиш бўйича олий таълимга ўқишга қабул қилинган ўқувчиларга тўлов-шартнома пуллари тўлаб берилиши кафолатланмоқда.

"Фарғона иссиқлик таъмир" МЧЖ раҳбари Улуғбек Пўлатовнинг қайд этишича, корхонада Фарғона водийси вилоятлари, Самарқанд вилоятида жойлашган таълим муассасалари учун электр энергияси, табиий газ ва муқобил манбалар асосида ишловчи замонавий иситиш жиҳозлари тайёрланади. Ҳозирда корхона фаолияти ва ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш ҳисобига вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси билан қўшимча 100 нафар ёшни ишга олиш бўйича шартнома имзолаш режалаштириляпти.

— Ўтган қисқа фурсат мобайнида малакали мутахассислар кўмагида мустақил ишлашга ўргандим, — дейди Тошлоқ тумани 1-сон касб-ҳунар мактаби пайвандлаш йўналиши 1-босқич ўқувчиси Диёрбек Юсупов. — Ҳар ойда 2,5-3 миллион сўм миқдорида иш ҳақи ҳам оляпмиз. Бу ерда тажрибали пайвандчилар ойига 8 — 10 миллион сўм маош олиши мумкин эканлиги ушбу касбни қунт билан ўрганишимизга ундаяпти.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Нуқтаи назар

# ИЛМУ МАЪРИФАТ — ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ИНСОН КАМОЛОТИ АСОСИ

***Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.***

***Президентимизнинг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси мамлакатимизни янада ривожлантиришга қаратилган навбатдаги устувор мақсад ва вазифаларни, янги марраларни белгилаб берди.***



Давлатимиз раҳбари 2023 йилни "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилиб, айни йўналишларни янада тараққий эттиришга қаратилган истиқболли таклиф ҳамда ташаббусларни илгари сургани юртдошларимизни ниҳоятда хурсанд қилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки халқимиз азалдан одамзод наслини ҳазрати инсон дея улуғлайди. Илм-маърифатни барча эзгуликларнинг, бунёдкорликларнинг замини сифатида қадрлайди.

Зотан, ислом дини нозил қилинишининг бош сабаби ҳам, бу муқаддас диннинг асл моҳияти ҳам инсонни улуғлаш, уни илму маърифатга, тинчлик-тотувликка, яратувчанликка тарғиб этишдир. Бу эзгу ғоянинг янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанглиги, шубҳасиз, халқимизнинг катта бахтидир.

Муқаддас динимизда таълимга, илм-маърифатга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Қуръони каримда "илм" сўзи 814 марта зикр этилган. Жумладан, бундай марҳамат қилинади: **"Айтинг: "Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!" Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар"** (*Зумар сураси, 9-оят*).

Ҳадиси шарифларда ҳам илмга тарғиб этилиб, ***"Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир"***, дейилган (*Имом Ибн Можа ривояти*).

Қуръони карим мўмин-мусулмонларни доимо илмга тарғиб этади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам илм олишга мунтазам даъват қилганлар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: ***"Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради"***, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Исломда илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун бешикдан то қабргача фарз қилинган. Фарз Аллоҳнинг қатъий амри бўлиб, уни бажариш ҳар бир мўмин учун мажбурий. Шу маънода, ҳар бир мусулмон ўзига керакли, ҳаёти учун зарур илмни, дину диёнатни, ҳалол-ҳаромни билиши, бунинг учун зарур бўлган нарсаларни ўрганиши шарт.

Тарихдан яхши биламиз: буюк алломаларимиз доим илм талабида бўлиб, кўплаб соҳалар ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган. Зеро, бугунгача ҳадис илмида Имом Бухорий, фиқҳда Бурҳониддин Марғиноний, калом илмида Абу Мансур Мотуридий, тафсирда Имом Замахшарийга тенг келадиган аллома топилмаган. Сўз мулкида Алишер Навоий, тиббиётда Ибн Сино, фалакиётда Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби олиму фузалоларимизни ҳам бутун жаҳон тан олиб, уларнинг бой илмий меросини ўрганиб, тарғиб этиб келмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бугун ёшларимиз буюк аждодларимизга муносиб бўла оляптими?

Президентимиз Мурожаатномада ушбу масалага эътибор қаратиб, бунинг учун навқирон авлод вакилларига янада кенг шароитлар яратилишини таъкидлади. Бу борада, аввало, янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлаш, янада ривожлантириш белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, таълим, маънавият ва маърифат жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Чунки ушбу тизимлар равнақ топгандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади. Яъни ҳар қандай тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи маърифатли, билимли, зиёли инсонлардир.

Бу ҳақда улуғ аллома Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фикрича, инсонларнинг бутун саодати учун икки нарса шарт: биринчиси — илм, иккинчиси — амал. Мутафаккир таъкидлашича, инсоннинг бахтли бўлиши учун илмнинг ўзигина етмайди, балки киши илми ёрдамида тана ва руҳини тарбия қилишга бурчлидир. Аллома ўз асарида Фатҳ Мусалийнинг қуйидаги мулоҳазаларини келтиради: *"Касалга обу таом берилмаса, ўладими?" деб сўрадилар. Атрофдагилар: "Ҳа, ўлади", дейишди. Айтдилар: "Қалбга ҳам уч кун илм берилмаса, ўлади".*

Улуғ аллома Маҳдуми Аъзам таълимотида ҳам илм ва амал бирлиги тарғиби етакчи ўрин эгаллайди. Айниқса, олим "Улуси нафеъ", яъни элулусга фойдаси тегадиган илмни ўрганиш, касб-ҳунар эгаллаш ва уни шогирдларга ўргатиш илмли инсоннинг бурчи эканини уқтиради. Бинобарин, илм ўрганиш ва унга амал қилиш, касб-корга эга бўлиш ва ҳалол ризқ топиш, фарзандлар тарбиясига масъуллик ва фуқаролик вазифасини ҳис этиб яшаш ўзини маърифатли ҳисоблаган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Афсуски, ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг турли жойларида рўй бераётган иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасидаги чуқур ўзгаришлар, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки унга қарши куч ишлатилса, зўравонлик воситасида кураш олиб борилса, жаҳолат аввалгидан ҳам баттарроқ кучайиб кетиши аниқ. Шу ўринда Имом Бухорий ҳазратларининг "Илмдан бошқа нажот йўқ, бўлмайди ҳам", деган таъкиди айни ҳақиқатдир.

Президентимиз кейинги йилларда тобора кучайиб бораётган, дунё аҳлини ташвишга солаётган терроризм ва экстремизм таҳдидлари моҳиятини жаҳолат ва муросасизлик ташкил қилишини қайд этиб, бундай ўта хавфли иллатга қарши куч ишлатиш йўли билан эмас, балки "Жаҳолатга қарши — маърифат" билан курашишни, бунда буюк аждодларимизнинг бой маънавий мероси ўзига хос нажот қалъаси ва ҳимоя қўрғони бўлишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун уларнинг маънавий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш учун юртимизда кўплаб саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, Марказий Осиёда ягона бўлган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази барпо этилиши ҳам бу йўлдаги энг самарали лойиҳалардан саналади. Шу билан бирга, Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий, Тошкентда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, турли ҳудудларда ҳадис, калом, ақида, тасаввуф, фиқҳ илмий мактаблари фаолият юритаётгани келгусида юртимиздан бобокалонларимизга муносиб авлодлар етишиб чиқишига умид уйғотади.

Албатта, мана шундай улкан неъматларнинг бардавом бўлиши Яратган Парвардигорнинг улуғ иноятлари ва ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамликнинг маҳсулидир. Аммо бу билан биз хотиржамликка берилмаслигимиз, халқ орасида тинчлик, барқарорликнинг улуғ неъмат эканлигини такрорлашдан чарчамаслигимиз керак.

"Тинч элнинг боғи гуллар" деган нақл халқимизда асрлар оша яшаб келмоқда. Бугун ана шу пурмаъно ҳикматнинг ҳаётий рўёбига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Мурожаатномада баён этилган режа ва лойиҳалар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади. Зеро, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қилинмоқда ва бу йўлда асло тўхтаб қолинмайди.

**Жалолиддин ҲАМРОҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 141. 20 214 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.00 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6